

THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



AMIR TEMUR OBRAZI O.YOQUBOV TALQINIDA

Djalilova Maqsuda

Alisher Navoiy nomidagi

Toshkent davlat o'zbek tili va
adabiyoti universiteti 2-bosqich
magistranti

Annotatsiya: Maqolada O.Yoqubovning muqaddima, ikki parda va to'rt ko'rinishdan iborat bo'lgan "Avlodlarga vasiyat" tarixiy dramasida Amir Temur siymosining ma'naviy-ma'rifiy dunyosining badiiy talqini, adibning Amir Temur va temuriylar davriga murojaat etishining ehtimoliy sabablari, dramada ijodkorning jamiyat va zamondoshlariga da'vati singari masalalari o'rganilgan.

Kalit so'zlar: tarixiy drama, timsol, temuriylar davri, "temurnoma", estetik ideal, hayotiy mantiq, tarixiy rivoyat.

Истиклол йилларида яратилган тарихий драмалар орасида О.Ёқубовнинг "Авлодларга васият" [1.229] асари алоҳида ажралиб туради. Унда драматург Амир Темур сиймосининг маънавий-маърифий қиррасини ифода этишга эътибор қаратади

Мазкур драма таркибий тузилиши жиҳатидан муқаддима, икки парда ва тўрт кўринишдан иборат. Асарнинг воқеалари Самарқад, Усмонлилар салтанати ва Ўтрорда бўлиб ўтади. Драма бош қаҳрамони Соҳибқирон Амир Темур 67-72, Султон Боязид эса 50-60 ёшлардадир. Драма воқеалари Ўтрордаги ўз қароргоҳида бетоб ётган ва хастаҳоллигига қарамай, Сулувкўз исмли суюкли аёлининг бевақт ўлимидан руҳий изтироб чекаётган Амир Темур тасвири билан бошланади.

О.Ёқубовнинг Соҳибқирон Амир Темур тимсоли ва темурийлар даврига муурожаат қилиниши биринчи навбатда ички эҳтиёж мевасидир.

Иккинчидан, мустақиллик йиллари ато этган кенг имкониятлар ўзига хос бадий "темурнома"ларни юзага чиқардики, О.Ёқубов бу жараёнларнинг шунчаки кузатувчиси бўла олмасди.

Учинчидан, тарихий драма ёзилган пайтда ёзувчи мураккаб ҳаёт синовларидан сабот билан ўтган, табаррук 70 ёш остонасида эди. Бу ёш – улкан ҳаётий ва ижодий тажриба тарихий давр ҳамда инсон тақдирини чуқур мушоҳада қилиш имконини бериши билан аҳамият касб этади. Қолаверса, 70 ёшдаги одам, айниқса ижодкор инсон, фоний дунёда кечган ҳаётини тарозига



THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

солиб кўради. Босиб ўтилган довлонлар, улгурилиши зарур бўлган савоб амаллар ҳақида мушоҳада қилади, баъзан маҳзун ўйларга толади. Бундай кезларда у тарихан қисқа умрни лаҳзаларга жамлайди. Қайтмас сафарга кетган аждодлари, пиру устодлари, садоқатли дўстлари билан ҳаёлан суҳбатлашади. Воқеликдан салмоқли хулосалар чиқаради.

Драмада Амир Темур тилидан айтилган давлатнинг барқарорлигига раҳна солувчи уч улкан хатар: (ноаҳиллик, жаҳолат, тарафкашлик)дан сақланишга даъват – аслида, О.Ёқубов эстетик идеали ва ҳаётий мантиғи. Бу эса, ижодкор шахсини нафақат олис тарихга, балки мозийнинг аччиқ сабоқларидан ибратли хулосалар чиқаргани билан мустақиллик даврига, унинг абадул-абад пойдор туришига масъул инсон сифатида чамбарчас боғлайди. Бинобарин, ушбу тарихий драмада объектнинг пластик образи яратилган. Яъни унга ижодкор субъектининг фикр-ўйлари, руҳият-ҳоллари ҳам сингдириб юборилган.

Тўртинчидан, О.Ёқубов глобаллашган давр шиддатини чуқур ҳис этган. Шу боис, фикрлари замондошларига тезроқ етиб боришини, жамият билан мураккаб муносабатдаги бунёдкор тарихий шахс образининг реал ва жонли тасвири орқали уларнинг ижодий фаоллигини оширишни истаган. Шу боис, тарихий драма жанрига қўл урган. Шубҳасиз, асарнинг ютуқларини таъминлашда юқоридаги фактлар ҳам муҳим роль ўйнаган.

О.Ёқубовнинг “Авлодларга васият” драмасида Соҳибқирон ҳаётининг сўнгги кунлари тасвирлаш орқали Амир Темурнинг дорулфанодан дорулбақога кетиш арафасидаги фикр-ҳисларига диққат қаратилган. Муаллиф драмада халқ оғзаки ижоди руҳини марказий ўринга кўтара олган. Амир Темур шахсиятининг маънавий-ахлоқий қирраларини ёритишда Сулувкўз, Саройбон ва Соҳибқирон ўртасидаги мулоқотларга кенг ўрин ажратган.

Тарихий сиймонинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлатини барпо этиши, феодал тарқоқлик ҳамда ички низоларга барҳам бериши, давлат бошқаруви тизимини ишлаб чиқишда адолат тамойилларига таяниши, ўғил-набираларига панд-насихатларини қахрамон характерини очиб берадиган воситага айлантира олган. Асар сюжети муаллифнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, Темурийлар даври тарихи ва маданияти билан яхши таниш бўлганлигини кўрсатади. Аммо, Бибихоним тўғрисидаги тарихий ривоятнинг қўйилиши асар сюжетида асосий ғоянинг иккинчи ўринга тушиб қолишига ҳам олиб келади. Шунга қарамасдан, муаллиф тарихий воқелик ва афсонавий талқинни ўзаро уйғун ҳодисага айлантиришга интиланган. Бу ҳол, драмада Амир Темур қиёфаси яхлитликда намоён бўлишини таъминлаган.



THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

Драматург ўз орзу-истакларини Соҳибқирон тимсолига сингдириб юборган. Амир Темурнинг халқ манфаатлари, тинчлик ва адолат учун зафарли жангларини умуминсоний моҳиятга йўналтирган. Шу боисдан, фактик аниқликнинг қай даражада берилиши асарнинг эстетик қимматига у қадар салбий таъсир ўтказмайди.

Драмада тасвирланган сарой фитначилари ва Биби Сардор бошчилигидаги ғийбатчилар айби билан ўз жонига қасд қилган Сулувкўз бека фожиали тақдири китобхон (томошабин)да ачиниш ва ҳамдардлик уйғотади. Ақчагул – Босқонбек (хос кўриқчи), Саригул – Қоплонбек (эшик оғаси) покиза муҳаббатлари тарихи воситасида биринчидан, Амир Темур жангнинг энг хатарли нукталарига дадил кириб борувчи жасур инсон сифатида тасвирланади. Иккинчидан, сарой мураккаб ва чигал ҳаётининг инсон тақдирига таъсири масаласига урғу берилади.

Драмада давлат томирига болта урувчи учта хатар: ўзаро ноаҳиллик, жаҳолат ва тарафкашлик иллатларидан эҳтиёт бўлиш васият қилинади [1]. Бинобарин, О.Ёқубов Соҳибқирон характерини, ҳаётининг сўнгги лаҳзаларида ҳам салтанат ва эл тақдири, унинг истикболи ҳақида қайғурувчи фидойи инсон сифатида очади. Шу маънода айтиш мумкинки, бу асар Амир Темур умр поёнида англаб етган ҳақиқатлар ҳақидаги ўзига хос иқрорномадир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ёқубов О. Қайдасан, Морико? – Тошкент, Шарқ НМАК. 1992.
2. Ёқубов Одил. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент, Шарқ НМАК Бош таҳририяти, 2005.
3. Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. -Тошкент.: 2011.
4. Имомов Б. Драматургик маҳорат сирлари. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1991.
5. Солиев А. Драматургияда инсон талқини. – Тошкент, Халқ мероси, 2004.